



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР “ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ЭЗГУ ТАМОЙИЛИГА УЙҒУН ЯНГИЛАНИШЛАР НАТИЖАСИДИР

Президент Шавкат Мирзиёев 4 декабрь куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари сафарининг биринчи манзили Сирдарё туманидаги “River Med Pham” корхонаси бўлди. Мазкур корхона мамлакатимизда инфузион дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича етакчилардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган инфузион эритмаларнинг 20 фоизи айнан ушбу корхонага тўғри келади.

Бундай дори воситалари бемор ҳаёти учун энг муҳим тиббий маҳсулотлардан бири саналади. Уларни тайёрлаш оддий таблеткалар ишлаб чиқаришдан анча мураккаб. Чунки бу турдаги эритмалар тўғридан тўғри қон томирларига юборилади. Демак, улар мутлақ стерил шароитда, юқори аниқлик ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берган ҳолда ишлаб чиқарилиши шарт.

Лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион доллардан ортиқ бўлиб, ҳозирги кунда корхонада 750 нафар одам доимий иш билан таъминланган. Корхона йилига 135 миллиард сўмлик қийматда 70 турдаги, умумий ҳисобда 114 миллион дон дори воситаларини ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотларнинг 20 фоизи экспорт қилинаётгани корхонанинг халқаро рақобатбардошлигини кўрсатади.

Ноябрь ойида лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилиб, ишлаб чиқариш қувватлари янада кенгайтирилди. Корхона 30 миллион дон инфузион эритмалар, 70 миллион дондан ортиқ қуруқ антибиотиклар ва қарийб 20 миллион дон кўз-бурун томчиларини ишлаб чиқаради. Давлатимиз раҳбарига корхона маҳсулотлари ва навбатдаги режалари ҳақида маълумот берилди.

Келгусида корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари 200 хилга етказилади. Бу босқичда шиша ва пластик идишлардаги инъекция учун эритмалар, шунингдек, таблетка ҳамда капсулалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Иш ўринларининг сони мингтагача оширилади. Президентимиз шу ерда вилоят фаоллари ва нурунийлар билан мулоқот қилди.

Иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, ёшлар тарбияси ва ҳудуднинг келажагига оид муҳим масалалар юзасидан оқиқ суҳбат бўлди. Давлатимиз раҳбари одамлардаги ташаббускорлик ислохотлар самарасини оширишда ҳал қилувчи омил эканини таъкидлади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Э.О. ТУРДИМОВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ Эркинжон Оқбутаевич Турдимов Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2025 йил 4 декабрь

СИРДАРЁ ТАРОНАСИ

Сирдарёда уйғониш.
Ўтди қанча ғам-ташвиш.
Ўтди рутубатли қиш,
Сирдарёда уйғониш.
Қишга инқироз бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Биз барчамиз — бир дарё,
Элу халқимиз — бир дарё.
Бизга шу тақдир дарё,
Она дарё, Сирдарё,
Халқ сенга қиёс бўлсин —
Уйғонишинг рост бўлсин.

Гоҳ биздан қочганларинг,
Мунг ютиб шоганларинг,
Мўл бўлиб тошганларинг —
Ризқ йўлини очганларинг.
Тўлғонишинг рост бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Бу эл — менинг элимдир,
У менга муаллимдир.
Буқун нажот — илмдир,
Таълим, таълим, таълимдир.
Эҳтиром, эъзоз бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Уйлар қур, мактаблар қур,
Мақтаниб, мактаблар қур,
Қалбингга нақш айлаб қур,
Умрингни бахш айлаб қур,
Маърифат асос бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Ким бизнинг улуғлардир —
Олам ҳам улуғлайдир.
Элни нурга чулғайдир,
Қизларингни улғайтир.
Улғайшинг рост бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Тўра Сулаймон бир ён,
Жумла ғазалхон бир ён.
Ҳалима хушхон бир ён,
Мақтаб — ижодхон бир ён.
Ҳар китоб — устоз бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Гапим эмас енгил гап,
Ё шунчаки кўнгил гап,
Ҳар ука, ҳар сингилга,
Ҳар дил, ҳар бир кўнгилга,
Шундоқ илтимос бўлсин:
Уйғонишинг рост бўлсин.

Қалбим, сен ҳам қўп, қалққин,
Қарздорсан шу халқнинг.
Қарзин бажаргил халқнинг,
Фарзин бажаргил Ҳақнинг.
Куй-хонишинг рост бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Ифтихор

Салкам қирқ милён кўкрак
Ичра урар бир юрак.
Эл-юрт, миллат муштарақ,
Уйғоқ юраклар керак.
Замон иқтибос бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Сирдарё, кенг жаҳонсан,
Уйғоқ кавну маконсан.
Бугун — буюк қарвонсан,
Зўр қарвонга Сарвонсан,
Келажакка равонсан.
Эл-юрт сарафроз бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Сирождидин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Тўра Сулаймон сатри

Конституция — инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!



Ҳақим Йўлдошев олган сурат.

ҲАР БИР ИСЛОХОТ ХАЛҚ УЧУН, ҚОНУН ҲАЁТ УЧУН

КОНСТИТУЦИЯ — ДАВЛАТНИНГ ЮРАГИ

Инсон ҳамиша яхшилик, имконият ва адолат истайди. Янги Ўзбекистонда ҳар бир қонун ва ўзгаришлар айнан шу мақсадда амалга оширилмоқда — одамларни фаровон этиш, улар учун янги имкониятлар яратиш ва келажакка ишончини мустаҳкамлаш. Бугун Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинаётган ҳаётий қонунлар амалда ишламоқда. Ҳар бир оила ва унинг аъзолари, қолаверса, бутун жамият учун бекиёс ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳақиқатан, бугун фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятларини чуқур англаб етмоқда. Бу жараён давлат ва халқ ўртасидаги бирдамликни, жамиятда адолат устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мана, бу йил Конституциямизнинг 33 йиллик тарихий санасини нишонламоқдамиз. Айтиш лозимки, ўтган даврда Бош қонунимиз мустақиллигимизнинг рамзи бўлибгина қолмай, ҳар бир фуқаро учун имконият ва ишонч манбаи сифатида намоён бўлди. Қонунлар орқали амалга оширилган ўзгаришлар адолат мезони сифатида аниқ натижа бермоқда ҳамда халқ билан давлат ўртасидаги ришталарни мустаҳкамламоқда.

Давоми 3-бетда

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР “ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ЭЗГУ ТАМОЙИЛИГА УЙҒУН ЯНГИЛАНИШЛАР НАТИЖАСИДИР

Бошланиши 1-бегда

— Ўзгаришлар, аввало, маҳаллаларда сезилиши керак. Сизлар одамлар билан доимий мулоқотда бўлиб, ёшларга тўғри йўл кўрсатишингиз зарур. Ҳаммамиз уйғоқ ва фаол бўлсак, ҳаракатларимиз, олиб бораётган ислохотларимиз албатта натижа беради. Сирдарёга катта режалар билан келганимиз. Сизларни эшитиб, бамаслаҳат бу режаларни амалга оширамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган “Invest Asia” корхонасида бўлди.

Корхона қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда етакчилардан бири ҳисобланади. Ҳозирда ички бозордаги полипропилен қоп ва юмшоқ контейнерларнинг 60 фоизи, стретч плёнкаларнинг 40 фоизи айнан шу корхона ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мажмуа 60 гектар майдонда барпо этилган бўлиб, ҳозирги пайтда 2,5 мингта яқин иш ўрни яратилган.

Қадоқлаш маҳсулотлари озиқ-овқатдан тортиб, фармацевтика, саноат, қурилиш ва машина қимматга бўлган кўплаб соҳалар учун зарур. Уларнинг сифати маҳсулотнинг хавфсиз сақланиши, транспортировак ва бозорга ўз вақтида етказилишига беvosита таъсир қилади. Шунинг учун ҳам бундай маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш импорт харажатларини камайтиради, ички бозор барқарорлигини таъминлайди ва ишлаб чиқарувчилар учун харажатларни сезиларли қисқартиради.

“Invest Asia” корхонасининг яна бири муҳим жиҳати унинг мамлакатда биоаксал йўналтирилган полипропилен плёнка ишлаб чиқариладиган ягона корхона эканидир. Бу плёнка тури энг оммабоп қадоқлаш материалларидан бири бўлиб, қаттиқ ва энгилгилиги билан ажралаб туради.

Жорий йилнинг ўн ойида корхонада 1,9 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланган, 23 миллион долларлик экспорт амалга оширилган. Австрия, Германия, Италия, Хитой ва АҚШ каби давлатларда ишлаб чиқарилган юқори технологияли ускуналардан фойдаланилмоқда.

Президентимиз корхонада амалга оширилаётган технологик жараёнларни кўздан кечириб, ишчилар билан мулоқот қилди. Келгуси режалар билан таълим олди.

Шунингдек, йил якунига қадар бу ерда Марказий Осиёда энг йирик спанбонд ва мелтблан — нотўқима мато ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиши кутилмоқда. Бундай матолар тиббиёт, қурилиш, машина қимматга ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилади.

Барча лойиҳалар тўлиқ қувватга чиққан, иш ўринларининг сони 10 мингтага етиши, полимерни қайта ишлаш қуввати 280 минг тоннагача ошиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоятда йирик лойиҳаларни амалга ошираётган ва янги ташаббуслар билан чиқаётган хорижий инвесторлар билан ҳам мулоқот ўтказди. Худуд иқтисодий, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини оширишга хизмат қиладиган ҳар

бир лойиҳа давлат томонидан, албатта, қўллаб-қувватланиши таъкидланди.

Инвесторлар мамлакатимиздаги тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини юқори баҳолаб, бизнес учун яратилган кенг имкониятлар ҳамда амалий кўмак учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифи давомида Гулистон шаҳри Бўстон маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини бориб кўрди.

Бўстон маҳалласи жорий йил обод маҳаллага айланди. Худуддаги барча кўп қаватли уйлар таъмирланди, худуд ободонлаштирилди. Маҳалла марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Президент дастлаб шу ерда маҳалла фаоллари, нурунийлар ва ёшлар билан самимий мулоқот ўтказди. Учрашувда мамлакатнинг барча худудларига қуйи бугундаги муаммоларнинг ҳал этиши, маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ислохотлар самараси Сирдарёда ҳам ўз аксини топаётгани таъкидланди.

— Маҳалла — жамиятнинг юзи. Мамлакатдаги барча ўзгаришлар, аввало, шу ерда ўзифосини топади. Биз шундай тизим яратдикки, илгари жиддий деб ҳисобланган кўплаб масалаларимизга ечимин айнан маҳалланинг ўзида топяпмиз. Бу институтга эътиборни янада кучайтиришда давом этамиз, — деди Президентимиз.

Худуддаги 48 та кўп қаватли уй жорий таъмирланди, ташқи қисми базальт билан қопланди. Иссиқлик таъминотини яхшилаш мақсадида 18 миллиард сўм ҳисобига замонавий қозонхона ва 3,3 километр иссиқлик тармоқлари қурилди.

Кўп қаватли уйларда 23 та индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатилиб, “ёпиқ” тизим ташкил этилди. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан худуддаги 800 та хонадонли 20 та кўп қаватли уйнинг ички иссиқлик тизимлари қайта тикланди. 1 та боғча марказлашган иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминланди.

Янги қозонхона қурилиши натижасида 144 минг киловатт-соат электр ва 627 минг куб метр табиий газ иқтисод қилинади.

Президентимиз кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган бу ишларни давом эттириш, қозонхоналарни қуриш ва улардан фойдаланишда замонавий технологияларни қўллаш, малакали мутахассисларни жалб этиш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Шу ернинг ўзида “еттилик” вакиллари ва нурунийлар билан маҳалла ҳамда вилоят ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар хусусида суҳбат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сирдарё вилоятида инфратузилмани ривожлантиришга доир қарори асосида худудда 215 та кўп қаватли уйни қамраб олган махсус манзилли рўйхат шакллантирилган. Ушбу ҳужжат доирасида уйларнинг том ва фасад қисмларини таъмирлаш, иссиқлик таъминотини, муҳандислик коммуникация тармоқларини яхшилаш ҳамда атроф-муҳитни ободонлаштириш ишлари режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Республика шойлинич тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё вилоят филиалига борди.

Бу ерда икки кун олдин Гулистон шаҳридаги умумий овқатланиш шохобчаларидан бирида газ баллони портлаши оқибатида жараҳат олганлар даволанмоқда.

Марказ раҳбарияти ва шифокорлар Президентимизга беморларнинг аҳоли ва даволал жараёнларининг бориши ҳақида ахборот берди. Давлатимиз раҳбари бахтсиз воқеада турли даражада тан жараҳати олган фуқаролар даволанётган палаталарга кириб, улардан хабар олди, оила аъзолари билан суҳбатлашди.

Президентимиз мутасаддиларга жабрланганларга зарур барча тиббий ёрдам кўрсатилишини қатъий назоратга олиш бўйича топшириқ берди. Бахтсиз ҳодиса оқибатида қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, уларга моддий ёрдам кўрсатиш зарурлигини қайд этди.

Масъуллар олдида содир бўлган воқеанинг сабабларини пухта ўрганиш, қонун устуворлигини таъминлаш, келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлиги устидан назорат ишларини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари Гулистон шаҳри жамоат транспорти инфратузилмасини таъминлаштириш мақсадида олиб келинган замонавий автобуслар тақдими билан ҳам танишди.

Гулистон шаҳридаги ички йўллар бўйлаб қатновларни амалга ошириш мақсадида 52 та автобус олиб келинди. Улар “Евро-5” стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради ҳамда табиий сиқилган газга ҳаракатланади.

Ҳар бири 65 нафар йўловчини қулай шароитларда манзилга етказишга мўлжалланган ушбу автобуслар паст полли бўлиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланиши учун махсус пандус ускуналари ва алоҳида ўриндиқлар билан жиҳозланган. Йўл ҳақи тўловларини электрон тарзда ҳам амалга ошириш учун “АТТО” тизими ўрнатилган.

Аҳолининг жамоат транспортига бўлган эҳтиёжи ҳисобга олиниб, автобуслар ҳаракати Гулистон шаҳрининг 23 та маҳалласини тўлиқ қамраб олувчи жами 7 та шаҳар ички йўналишида бруто-шартнома асосида ҳаракатланади.

Натижада автобусларнинг ҳаракат интервали аввалгига нисбатан 2 баробарга қисқариб, кунига 29 минг нафар аҳолига қулай, хавфсиз ва арзон транспорт хизматлари кўрсатилиши таъминланади.

Яна бири жиҳат: мазкур қатновлар орқали йилга 38 миллиард сўмдан зиёд транспорт хизматлари кўрсатилади, 120 та иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга юртимиз шаҳарларининг жамоат транспорти паркинрини шундай замонавий автобуслар билан тўлдириш ишларини изчил давом эттириш, фуқароларга сифатли хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда келгусида 11 метрли, узок масофага мўлжалланган яна 30 та автобусни олиб келиш режаси ҳақида маълумот берилди. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши, қўшимча яна 150 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Шундан сўнг халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Ингилиш аввалида давлатимиз раҳбари “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил асосида амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси сифатида Сирдарё вилоятидаги улкан ўзгаришларни алоҳида таъкидлади.

— Илгари асосан қишлоқ хўжалигига боғланиб қолган бу заминда сўнгги йилларда саноат, сервис, туризм йўқдан бор бўлди. Бизнес муҳити бутунлай ўзгарди, илгор тадбиркорлар қатлами шаклланди, — деди давлатимиз раҳбари.

Саккиз йилда Сирдарё вилоятига 4 миллиард доллар инвестиция киритилди. Шу давр мобайнида 187 та йирик қувват ишга туширилиб, 120 мингта иш ўрни яратилди. 50 га яқин янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Натижада саноат ҳажми 4 триллион сўмдан 25 триллион сўмга етди.

Илгари дотация олган Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Боёвут, Мирзаобод, Сайхунобод, Сирдарё ва Ховос туманлари бугун ўз харажатиини ўзи қоплаш даражасига етгани қайд этилди.

Сирдарё туманида келгуси йили хитойлик шериклар билан 122 миллион долларлик автоомбилсозлик лойиҳаси ишга туширилади. Яқинда Қозоғистон билан ҳамкорликда Сирдарё туманида Марказий Осиё халқаро саноат кооперациясига марказига старт берилди. Ушбу марказ худудда қиймати 300 миллион долларлик 14 та саноат корхонаси келаси йилнинг биринчи чораги якунига қадар иш бошлаши, 2026 йилда яна 720 миллион долларлик 40 та янги лойиҳа жойлаштирилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Сирдарёда боғча, мактаб, шифохона ўринларини кўпайтириш, электр, сув, канализация ва йўлларни яхшилаш борасида ҳам амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтди. Биргина жорий йилнинг ўзида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш учун 100 миллион доллар ресурс йўналтирилди. Натижада 47 та мактаб, 45 та болалар боғчаси, 31 та тиббиёт муассасаси, 5 та спорт ва маданият маскани тубдан таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ишлар изчил давом эттирилиб, келаси йили яна 100 миллион доллар ажратилиши эълон қилинди.

Сессияда ташкилий масала ҳам кўрилди. Президентимиз ҳоким вазифасини бажараётган Эркин Турдимов номзодини Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига илгари сурди.

Вилоят фаолларининг фикр-мулоҳазалари тингланми, номзод овозга қўйилди. Овоз бериш натижасига кўра, Эркин Турдимов Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбари янги ҳоким олдида Сирдарёни ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар қўйди. Жумладан, келаси йиллар давомида вилоятга жами 3 миллиард доллар инвестиция киритиш, экспорт ҳажмининг 500 миллион долларга етказиш, 185 минг аҳоли иш билан таъминлаш бўйича қатъий ишлар зарурлиги қайд этилди.

Ингилишида вилоятда саноат, сервис, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда умумий қиймати 500 миллион доллар бўлган 31 та корхона ишга туширилиб, 5 минг нафар фуқаро юқори даражада иш ўринлари билан таъминланди. Хитойлик ҳамкорлар билан яна 700 миллион долларлик 40 та лойиҳа бўйича ишлар жадал давом этмоқда.

Янгиер, Гулистон ва Ширин шаҳарлари, Сирдарё, Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Ховос туманлари ҳисобига “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси ҳудуди 1080 гектаргача кенгайтирилди. Вилоят ва туман ҳокимлари саноат зонасига қўшиб берилган майдонларда камида 4 миллиард долларлик лойиҳаларни бошлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунинг учун лойиҳаларнинг самарадорлигини пухта ҳисоблаб, инвесторларга тақдимот қилиш мақсадида Сирдарё, Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Ховос туманлари, шунингдек, Янгиер, Гулистон ва Ширин шаҳарлари ҳокимларидан иборат делегацияни Хитойга юбориш топширилди.

Қурилиш материаллари бўйича Цзянсу, Шаньдун ва Гуандун, кимё саноати бўйича Тяньцзинь, электротехникада Фуцзянь ва Гонконг, энгил саноатда Шаньдун ва Синьцзян, фармацевтика соҳасида Шанхай ва Цзянсу худудлари билан тўғридан тўғри ҳамкорлик ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, Гулистон шаҳрида камида 5 минг иш ўрнига эга “Ўзбекистон — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти” савдо ва саноат зонаси ташкил этилиши белгиланди. Бу ердаги объектлар тайёр лойиҳа сифатида тадбиркорларга саноат ипотекаси ёки лизинг асосида тақлим қилинди.

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарини босқичма-босқич пойтахтдан ташқарига кўчириш жараёнида “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасидаги бўш ерлар мавжуд қувватларни жойлаштириш учун катта имконият экани таъкидланди.

Шу боис, пойтахтдан ўз корхонасини Сирдарёга кўчириш истагида бўлган тадбиркорларга саноат зонасидаги ерлар соддалаштирилган тартибда, четирма билан тақдим этилади, уларга 10 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилади, хомашени темир йўл орқали ташинди арзонлаштирилган тарифлар қўлланади.

Ингилишида тадбиркорлик ва сервис инфратузилмасини ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

2026 йилда вилоят инфратузилмасини яхшилашга 1,5 триллион сўм, тадбиркорлик лойиҳалари учун 10 триллион сўм ресурс ажратиш режалаштирилган. Шунинг 753 миллиард сўми илк бор Сирдарё вилояти ва туман бюджетларига маҳаллалар шароитини яхшилаш учун йўналтирилди.

Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича янгица ёндашувлар, самарали ечимларни жорий этиш учун доим изланиш, ўрганиш

ва тажриба орттириш жуда муҳимлигини таъкидлади.

Шу мақсадда 11 та туман ҳокимининг биринчи ўринбосарини Пекиндаги Камбағалликка қарши курашиш бўйича халқаро марказда амалиёт ўташини ташкил қилиш, сирдарёлик 50 та ёшни Пекин шаҳрида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича курсларда ўқитиш топширилди.

Шунингдек, Гулистон университети қошида Хитойнинг “Лу Бан устaxonаси” дастури доирасида касб-хунарга ўқитиш марказини, Сирдарё туманидаги тиббиёт техникуми негизида эса Хитой билан ҳамкорликда фармацевтика технологиялари йўналишида олийгоҳ ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳам атрофича кўриб чиқилди.

Экин ерларида сув таъминотини яхшилаш мақсадида келаси йили Боёвут туманида сизими 100 миллион куб метр бўлган “Султон-ҳовуз” сув омбори қурилиши бошланади. Бу орқали Боёвут, Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё ва Мирзаобод туманларидаги 110 минг гектарда йилга икки марта ҳосил олиш имконияти яратилади.

Ингилишида аҳоли ва тадбиркорларнинг ҳаётини энгиллаштиришга қаратилган ташаббусларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

А-373 йўлининг Сайхунобод ва Гулистон туманларидан ўтуви 37 километр қисмини олтига тасмал қилиб реконструкция қилиш ишларини бошлаш топширилди. Боёвут, Гулистон, Ховос, Мирзаобод, Сирдарё ва Сайхунободнинг 18 та маҳалласидаги 67 километр йўлни цемент-бетон қопламага ўтказиш режалаштирилган.

Икки кун олдин Гулистон шаҳри Тараққиёт маҳалласидаги буюм бозори худудда жойлашган умумий овқатланиш шохобчаларидан бирида газ баллони портлаши натижасида 29 нафар фуқаро жараҳат олди.

Афсуски, мазкур бахтсиз ҳодисада қурбонлар ҳам бор. Президентимиз ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдирди. Уч кун мuddатда қурбонларнинг оиласига 100 миллион сўмдан моддий ёрдам ажратилиш топширилди.

— Бугун сизлар билан вилоятни янада ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг оғирини энгил, узогини яқин қилиш бўйича катта-катта режа ва мақсадларни белгилаб олдик. Ҳеч шубҳасиз, сирдарёликларнинг бунёдкорлик, ташаббускорлик ва фидойилик фазилатларига таяниб, бу марраларга албатта эришамиз, — деди Президентимиз йнгилиш якунида.

Сессия давомида мутасаддиларнинг ҳисоботлари, иштирокчиларнинг фикр ва тақлифлари тингланди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
Абдулвазир РУСТАМОВ,
Ғулум ПРИМОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Газетхон мулоҳазаси

Ёшми 86 га яқинлашди. Тенгқурларим қаторида янги Ўзбекистонда кексалик гаштини сураётганим учун Яратганга ҳамду сано, шукроналар айтаман. Албатта, бу ёшга етгунга қадар турли лавозимларда ишлаганман, кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлганман, турмушнинг аччиқ-чучугини татиганман. Бошқача айтганда, аввалги ва кейинги даврни таққослаш имконига эгаман.



Қишлоқда туғилиб ўсганим сабабли умрининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги юмушлари билан кечди. Болалигим Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги қийинчиликлар даврига тўғри келди. Бойига шукр қилиб яшаганимиз.

Урушдан ярадор қайтган отам бизни чидамга, сабр-қаноатга ўргатган. Рўзгор учун товۇқ парварши қилдик, кейин эчки боқдик, уларни сотиб бузоқ олдик, бузоқ сизир бўлди. Хўлас, аста-секин турмушимиз изга тушди.

1945-1950 йилларда қишлоқларда ҳамма томорқасига оқ жўхори экиб, олинган ҳосилни ун қилиб, зогора нон еб ҳаёт кечирарди.

Бугдой уни 1950 йилдан кейин пайдо бўлди. Бугдой нон тансиқ егулик сифатида меҳмонлар, бетоб инсонлар учун тайёрланар эди. Фақат яқинба кунни отам бозорга бориб, қанд-курс ва бошқа егуликлар олиб келарди. Демокчманки, қишлоқда биттагина дўкон бўлиб, унда ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари жуда камбў эди.

1991 йилда мустақил тузум инқирозга юз тутиб, Ўзбекистонимиз мустақил бўлди. Бу жараёнда Олий Кенгаш депутати, халқ вакили сифатида мустақиллик учун овоз берганимдан ҳаминча фахрланаман ва гурурланаман. Беш йил депутатлик давримда бош

қонунимиз, байрогимиз, мадҳиямиз ва яна 200 та қонун қабул қилинишида иштирок этдим.

Жонажон Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнг, айниқса, кейинги 8 йилда ҳар томонлама ривожланди, обод бўлди. Юртимиз аграр ўлкадан саноати ривожланган, илм тараққий этган, сайёҳлар оқими кўпайган мамлакатга айланди. Одамларнинг турмуш шароити сезиларли даражада яхшиланди, жумладан, қишлоқларда электр энергияси, газ таъминоти узлуксизлигини алоҳида таърифлагим келди.

Кекса авлод вакили сифатида тенгдошларим — нурунийлар билан мулоқотда бўлганимда улар доим Президентимизни алқайди. Ҳозир юртимизнинг қаерига борманг, кўзни қувонтирадиган, дилни яйратадиган ўзгаришларга гувоҳ бўласиз. Бошқа вилоятларни камситмаган ҳолда, мамлакатимиз етакчисининг Самарқандга меҳри ўзгача эканини алоҳида таъкидлагим келди. Шавкат Мирзиёев Самарқандимизни хайрли, савобли тадбирлар ўтказиладиган чин маънодаги нузли масканга айлантирди. Кейинги йилларда жаҳоннинг ярим аҳолиси истиқомат қиладиган 14 та мамлакат раҳбари Самарқандга таъриф буюрди. Шунингдек, бу қадимий ва ҳаминча навқирон шаҳарда ЮНЕСКОнинг юбилей конференцияси ҳамда яна кўплаб йирик тадбирлар ташкил этилди.

Президентимиз шижоати, халқпарварлиги, тинчликсеварлиги билан Ўзбекистон халқини бирлаштирди. Шу билан бирга, узок йиллар ёпилиб қолган чегараларни очиб, кўшни давлатлар халқларининг ҳам меҳрини қозонди. Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари бошини қовуштирди. АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон каби йирик мамлакатлар,

САМАРҚАНД ДУНЁГА БОР БЎЙ-БАСТИ БИЛАН ТАНИЛЯПТИ



Европа Иттифоқи бугун биз билан ҳисоблашяпти, тенгма-тенг ҳамкорлик қиялпти. Бу бизни жуда қувонтиради.

Мамлакатимиз етакчисининг яқинда Самарқанд вилоятига ташрифи ҳам тарихий воқеаларга бой бўлди. Самарқанд шаҳри ва 600 мингдан зиёд киши истиқомат қиладиган Ургут тумани ўртасида қисқа мuddатда темир йўл қўрилди. Энг қувонарлиси, биз — нурунийлар Президентимиз ҳамроҳлигида поездада туманга бордик.

Давлатимиз раҳбари учрашувларда туманда ҳам, вилоятда ҳам ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп эканини таъкидлади. Ургут тумани мисолида 30 та йўналиш бўйича ишчилар, камбағалликни тугатиш, ердан унумли фойдаланиш, тоқзорларни томчилатиб сугориш, пировард натижада иқтисодийни яхшилаш каби вазифаларни белгилаб берди. Ургутда 100 минг квартилари уй-жой қуриб, “Янги Ургут” шаҳрини барпо этиш ният қилинди. Буларнинг барчасига сарфланадиган харажат учун ортинги билан маблағ ажратилиши биз, кексаларни ҳам қувонтирди.



КОНСТИТУЦИЯ — ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ва АДОЛАТ гарови!

УММЛАР ИСЛОХОТ ХАЛҚ УЧУН, ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ Пойдеворига айланди. Бу — давлат органлари ва ҳар бир фуқаро қонун олдида деб ҳисоблай олмайди дегани. Қонун устуворлиги адолатни таъминлаш билан бирга халқимиз ҳаётида аниқ ва сезиларли ўзгаришларни амалга оширишда муҳим асосдир.



Танзила НОРБОЕВА, Олий Мажлис Сенати Раиси

Бошланиши 1-бегда

Чунки Конституция — давлатнинг юраги. Унинг бир маромда, тиниқ ишлаб туриши мамлакатнинг бугунги ҳаёти ва барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

Бош қонун халқнинг хоҳиш-иродаси, барча мақсад ва орзу-умидларини ифода этади. Конституциядаги "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бири манбаидир" деган сўзлар шунанки широр эмас, балки давлат бошқаруви тизимининг асосий ғоясидир.

Бугун давлат сиёсати марказида инсон омили турибди. Халқ вакиллик органлари, ижро ҳокимиятининг энг куйи бўғинларига гача халққа хизмат қилиш, унинг ишончини оқлашга бел боғлаган. Конституция эса мана шу жараёнларни қонуний йўлга қўйиш ҳамда адолатли амалга оширилишини таъминлашда асосий қафолат вазифини ўтамоқда.

ЯНГИ ТАХРИР — ЯНГИ БОСҚИЧ

Бугун юртимизда қонунарни замон талабларига мослаштириш, идораларни одамларга яқинлаштириш ва ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини таъминлаш устида изчил ва қатъий ишлар бажарилмоқда.

Халқимизнинг яқдиллиги ва ҳамжихатлиги асосида яратилган бош сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат дейиш мумкин. Ҳақиқатан, 2023 йил 30 апрель кунини мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ референдумида янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингани тарихий воқеа бўлди.

Авалло, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Конституциямизнинг нормалари янада тақомиллаштирилди.

Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида изчил конституциявий ислохот амалга оширилди.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясини ҳаётга таъбиқ этишда янги тахрирдаги Бош қонунимизнинг тўғридан тўғри ижросини таъминлашга қаратилган таъсиричан чоралар белгиланди.

Янги тахрирда халқимизнинг кўп ариқ тарихий тажрибаси ва бой маданий қадриятлари билан бирга замонавий дунёнинг конституциявий принциплари таянчилани шидида ишонч кўпригини мустаҳкамлайди.

Халқ ўз фикри ва овози орқали давлат ҳаётида фаол иштирок этади, давлат эса халқ манфаатларини биринчи ўринга қўяди.

Бу янги Ўзбекистонда демократиянинг амалии намоёни ва халқпарварликнинг энг асосий мезонидир.

Конституциямиз асосида шаклланган Олий Мажлис, яъни парламент давлат бошқарувининг энг муҳим сиёсий институтидир. У орқали халқнинг иродаси давлат сиёсатининг асосий йўналишига айланади.

Қонунлар ва парламент орқали таъминланадиган адолат нафақат ҳуқуқни ҳимоя қилади, балки ишбилармонликни қўллаб-қувватлайди.

Қонунлар ва парламент орқали таъминланадиган адолат нафақат ҳуқуқни ҳимоя қилади, балки ишбилармонликни қўллаб-қувватлайди.

Қонунлар ва парламент орқали таъминланадиган адолат нафақат ҳуқуқни ҳимоя қилади, балки ишбилармонликни қўллаб-қувватлайди.

Масалан, ҳар бир ҳодим ўз меҳнати учун ҳақ олиши, оила эҳтиёжларини тинглайди. Бу эса парламентнинг ҳақиқий халқпарварлик тамойилига асосланганини кўрсатади.

Шу тариқа қонун устуворлиги ва парламентнинг фаолияти халқ ва давлат ўртасидаги алоқани яқинлаштиради.

Ҳақиқатан, давлат ривожлангани сари қонунлари ҳам тақомиллашиб бораверади. Тараққиёт ҳаётимизга янгидан-янги тушунчалар, ижтимоий муносабатларни олиб қиради.

Уларни мунтазам тартибга солиш ва мослаштириб бориш жамиятнинг ортқча муаммолардан халос қилади.

Парламентда қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар халқнинг ҳаётига бевосита таъсир этади. Масалан, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт ва ишбилармонлик соҳасидаги қонунлар аҳоли ҳаётини яқинлашга қаратилган.

Шу орқали парламент нафақат қонунлар қабул қилади, балки ҳар бир оила, ҳар бир инсон учун ҳақиқий ҳимоячига айланади.

АДОЛАТ ВА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ — КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ МАРКАЗИЙ ҒОЯСИ

Янги тахрирдаги Конституциямиздаги нормалар адолат, суд ва ички ишлар тизимларида адолат ва очкиликни таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишларни тўдан янги босқичга олиб чиқишда жуда муҳим.

Одамлар ҳақ-ҳуқуқларини осон ҳимоя қилмоқда, давлат халқ эҳтиёжини таъминлаш ва аҳоли зарур ёрдам кўрсатиш борасидаги мажбуриятларини бажаришга масъулият билан ёндашмоқда.

Хусусан, аёллар ва ёшлар учун янги имкониятлар очилди — улар билим олиш, карьера қилиш, оила қуриш, қобилият ва истеъдодини эркин рўёбга чиқаришда тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Юртдошларимиз мамлакат ривожига шахсий ҳисса қўшишини бурч сифатида англамоқда ва шу йўлда ўзини сафарбар этмоқда.



Ҳақиқатан, давлат ривожлангани сари қонунлари ҳам тақомиллашиб бораверади. Тараққиёт ҳаётимизга янгидан-янги тушунчалар, ижтимоий муносабатларни олиб қиради.

Уларни мунтазам тартибга солиш ва мослаштириб бориш жамиятнинг ортқча муаммолардан халос қилади.

Парламентда қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар халқнинг ҳаётига бевосита таъсир этади.

Масалан, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт ва ишбилармонлик соҳасидаги қонунлар аҳоли ҳаётини яқинлашга қаратилган.

Шу орқали парламент нафақат қонунлар қабул қилади, балки ҳар бир оила, ҳар бир инсон учун ҳақиқий ҳимоячига айланади.

Шу тариқа қонун устуворлиги ва парламентнинг фаолияти халқ ва давлат ўртасидаги алоқани яқинлаштиради.

Ҳақиқатан, давлат ривожлангани сари қонунлари ҳам тақомиллашиб бораверади.

Тараққиёт ҳаётимизга янгидан-янги тушунчалар, ижтимоий муносабатларни олиб қиради. Уларни мунтазам тартибга солиш ва мослаштириб бориш жамиятнинг ортқча муаммолардан халос қилади.

Парламентда қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар халқнинг ҳаётига бевосита таъсир этади. Масалан, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт ва ишбилармонлик соҳасидаги қонунлар аҳоли ҳаётини яқинлашга қаратилган.

Шу орқали парламент нафақат қонунлар қабул қилади, балки ҳар бир оила, ҳар бир инсон учун ҳақиқий ҳимоячига айланади.

Ҳақиқатан, давлат ривожлангани сари қонунлари ҳам тақомиллашиб бораверади. Тараққиёт ҳаётимизга янгидан-янги тушунчалар, ижтимоий муносабатларни олиб қиради.

Уларни мунтазам тартибга солиш ва мослаштириб бориш жамиятнинг ортқча муаммолардан халос қилади.

Парламентда қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар халқнинг ҳаётига бевосита таъсир этади.

Масалан, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт ва ишбилармонлик соҳасидаги қонунлар аҳоли ҳаётини яқинлашга қаратилган.

Шу орқали парламент нафақат қонунлар қабул қилади, балки ҳар бир оила, ҳар бир инсон учун ҳақиқий ҳимоячига айланади.

Ҳақиқатан, давлат ривожлангани сари қонунлари ҳам тақомиллашиб бораверади.

Тараққиёт ҳаётимизга янгидан-янги тушунчалар, ижтимоий муносабатларни олиб қиради. Уларни мунтазам тартибга солиш ва мослаштириб бориш жамиятнинг ортқча муаммолардан халос қилади.

Ҳақиқатан, давлат ривожлангани сари қонунлари ҳам тақомиллашиб бораверади. Тараққиёт ҳаётимизга янгидан-янги тушунчалар, ижтимоий муносабатларни олиб қиради.

Уларни мунтазам тартибга солиш ва мослаштириб бориш жамиятнинг ортқча муаммолардан халос қилади.

Парламентда қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар халқнинг ҳаётига бевосита таъсир этади. Масалан, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт ва ишбилармонлик соҳасидаги қонунлар аҳоли ҳаётини яқинлашга қаратилган.

Шу орқали парламент нафақат қонунлар қабул қилади, балки ҳар бир оила, ҳар бир инсон учун ҳақиқий ҳимоячига айланади.

Ҳақиқатан, давлат ривожлангани сари қонунлари ҳам тақомиллашиб бораверади.

Тараққиёт ҳаётимизга янгидан-янги тушунчалар, ижтимоий муносабатларни олиб қиради.

Уларни мунтазам тартибга солиш ва мослаштириб бориш жамиятнинг ортқча муаммолардан халос қилади.

Парламентда қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар халқнинг ҳаётига бевосита таъсир этади.

Масалан, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт ва ишбилармонлик соҳасидаги қонунлар аҳоли ҳаётини яқинлашга қаратилган.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз равнақининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи бош қонунимиз юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, оила тақдирини, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажагида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоғи учун биз — сенаторлар зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис қилишимиз, том маънода халққали Сенат сифатида мана шу жараёнларда янада фаол бўлишимиз, давлатимиз раҳбари айтганидек, кучли ирода, бирлик ва ҳамжихатлик билан қаттиқ меҳнат қилишимиз талаб этилади.

Ҳақиқатан, давлат ривожлангани сари қонунлари ҳам тақомиллашиб бораверади. Тараққиёт ҳаётимизга янгидан-янги тушунчалар, ижтимоий муносабатларни олиб қиради.

Уларни мунтазам тартибга солиш ва мослаштириб бориш жамиятнинг ортқча муаммолардан халос қилади.

Сув ва ҳаёт

Хонадонимиздаги жўмракдан оқаётган сувдан турли мақсадда фойдаланамиз. Аммо уни шу ҳолатда истеъмол қилишга келганда ўйлаб қоламиз. Сифати биз истагандек эмас, назаримизда. Ҳатто жўмракка филтър ўрнатиб қўямиз, сувни тазалайди деган ўйдаимиз. Шундай фикрлар, айниқса, Тошкент шаҳри аҳолисида кўпроқ учрайди. Бироқ мутахассислар доим бунинг аксини тасдиқлайди. Шаҳар аҳолисига бериладиган сув бир неча босқичда тазаланиб, ичишга тўла яроқли ҳолда етказилишини айтади.

Экологик маданият ва ОБИҲАЁТГА МУНОСАБАТ

ИЧИМЛИК ҲАМДА ОҚОВА СУВ МУАММОЛАРИ БОРАСИДАГИ ЭЪТИРОЗЛАР ЎРИНЛИМИ?



сув ўз оқими билан кириб келгани, электр энергияси кам сарфлангани боис, бошқа ҳудудларга нисбатан нарх пастроқ. Сув етказиб бериш қийинроқ бўлган ҳудудларда эса сарф-ҳаражатга қараб нарх ошиб бораверади. Биз ичимлик сув таъминотида ҳам бозор иқтисодиётига ўтдик. Демак, шунга яраша хизмат кўрсатиш сифати ҳам ошиб борапти. “Ўзсувтаъминот” АЖ корхонаси фаолияти беш йил олдин тўлга қўйилган бўлса, унгача бу тизим тароққ ҳолда ишлаган. Янгиланишлар, слохотлар деярли бўлмаган. Кейинги йилларда тароққ тубдан янгиланди, амалиётга замонавий техника ва технологиялар кириб келди.

Тошкент шаҳрида 4000 километрга яқин ичимлик сув тармоғи бўлса, шунинг 50 фоизи эскирган. Тўғри, йирик тармоқлар ҳали фойдаланишга яроқли, аммо босқичма-босқич ҳаммасини янгилаш ҳаракатидамиз. Ҳар йили 30-40 километр сув тармоғи янгиланяпти. Бу кўп вақт ва катта маблағ талаб қилган бўлиб, бирдан амалга оширишнинг имкони йўқ. Техноложия, молиявий, ишчи кучи жиҳатидан ҳам бу имконсиз. Шу боис, кўпроқ маҳаллалардаги майда қурувларни янгиланяпти. Сув тармоқларини замон талабларига мослаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, ҳамкорликда лойи-



ҳалар амалга ошириляпти. Хусусан, Франциянинг “Suez” компанияси билан “Тошкент шаҳри сув таъминоти ва оқова сув тизимини трансформация қилиш” лойиҳаси бир қанча йўналишларни қамраб олган. Лойиҳа доирасида қўлланб келинган технологиялар янгиланган амалиётга жорий этиляпти. Компания томонидан олиб келинган замонавий техника ва технологиялар ёрдамида йўللарнинг ташқи қисмига зарар етказмаган ҳолда сув қувури текширилиб, носозликлар аниқланмоқда. Бунда йўл узасига зарар етмаслиги сабаб ортиқча харажат бўлмайди. Аммо ҳамма қурувни ҳам таъмирлаб бўлмайди, эскиларини имкон қадар янгилашга ҳаракат қилияпти.

Бундан ташқари, сув тармоқларида юзага келадиган авария ҳолатларини бартараф этиш бўйича ҳам янги технология қўлланыляпти. Сув қувурларига замонавий вантуз ускунаси ўрнатилади. Гап шундаки, одатда авария ҳолати қувурларда ҳаво туриб қолиши тўғрисида хабар берилади. Вантуз қўрилмаси эса меъридан ортиқ тўпланган ҳаво шунга ҳаво босимини автоматик чиқариб юборади. Шунинг ҳисобига бугун аварияларнинг қарийб 50 фоизга қисқаришига эришиш мумкин.

Хўш, чиндан ҳам шаҳар аҳолисига етказиб берилаётган ичимлик сув истеъмол талабларига жавоб берадими?

— Ҳақиқатан, одамлардан шу масала билан боғлиқ қўлаб саволлар келади. Бунинг тўғри тушуниш керак. Боиси, тобора кескинлашиб бораётган экологик муаммолар, қолаверса, одамларнинг табиатга бевосита зарарли хатти-ҳаракати, истаимизми-йўқми, сувга ҳам таъсирини кўрсатяпти. Болалигимизда ариқлардан оқаётган сувга бемалол нон ботириб ердик. Ҳозир эса ариқларга қаранганга, ҳатто қўл ювишга ботина олмайсиз. Унда оқиб келаётган чиқиндилар экологик маданиятимиз қай даражада эканини яққол кўрсатади.

Бундай вазиятда ичимлик сув масаласида ҳам хавотирлар бўлиши табиий. Аммо бир нарсани ишонч билан айти оламизки, бугун Тошкент шаҳри аҳолисига етказиб берилаётган ичимлик сув ҳар томонлама тоза ва шаффоф бўлиб, ичишга тўла яроқли. Боиси, соҳа олдида турган асосий вазифа аҳолини мусадфо, тақрор айтаман, тоза ичимлик сув билан таъминлашдан иборат. Бу доимий назоратта олинган. Хусусан, Тошкент шаҳри аҳолисига етказиб берилаётган сувнинг сифати ҳамиса кузатиб борилади. Сув иншоотларидаги махсус лабораторияларда 28 дан ортиқ кўрсаткич бўйича текширувдан ўтказилиб, меъёрга келтирилгандан кейингина истеъмолчиларга узатилади. Сувни тазалаш бир неча босқичда амалга оширилиб, бунинг учун жуда катта меҳнат, кимёвий воситалар сарфланади. Жараёнда 4500 дан ортиқ одам меҳнат қилади. Қолаверса, шаҳар тармоқларига етказилган тоза ичимлик сув кун давомида ҳам бир неча мартаба текширилиб, намуналар лаборатория шароитида таҳлил қилинади. Лабораторияларга энг замонавий русумдаги хорижий технологиялар олиб келинган. Бу ҳам таҳлил ишларини янада аниқ, тезкор амалга оширишга хизмат қилади.

Бизда юртдошларимиз жўмракка филтър ўрнатиш борасида ҳам саволлар беради. Ушбу қурилма умумий тармоқдан келаётган ичимлик сувни тазалаб беришига ишоняшади. Лекин пойтахтда аҳолига етказиб берилаётган сувга филтър ўрнатиш шарт эмас. Тўғри, филтър ўрнатишда сув тозадек, юмшоқдек туюлади, аммо қурилма ишлари давомида сув ичидаги минерал элементлари сўриб олади. Бундай сув истеъмол қилингандан организмдаги минерал моддаларини ювиб чиқиб кетади. Яъни жўмракдан оқаётган сувнинг ўзи 20 дан ортиқ минерал моддага тўйинган бўлиб, ҳар томонлама истеъмолга яроқлидир. Бир қарашда хирароқ бўлиши эса таркибидagi минерал тузалар билан боғлиқ. Аслида, сув аҳолига тўлиқ тазаланган, зарарсиз ҳолда етказилади ва уни бемалол истеъмол қилса бўлади.

— Мамлакатимиз аҳолиси 38 миллион кишидан ошди. Бу ҳар бир ҳудуд, хусусан, Тошкент шаҳрида одамлар сони ўсиб бораётганидан далалат. Хўш, ичимлик сув таъминоти-чи, бу борадаги кўрсаткич қандай? Оширилган тўлов нархига яраша хизмат кўрсатиляптими?

— Тошкент шаҳрида аҳолига ичимлик сув бериш 1931 йилдан бошланган. Ушундан биринчи бўлиб “Бўзсув” сув иншооти очилган. Дастлабки вақтларда аҳолига бир суткада 3000 куб метр сув берилган. Ҳозир иншоотда 230 минг куб метр атрофида сув тазаланиб, аҳолига узатилади. Пойтахт аҳолига ҳар суткада бериладиган сув ҳажми эса 2 миллион куб метр атрофида. Ҳозир Тошкент шаҳрига асосий сув ҳажмини етказиб беришни “Қодирия” сув иншооти бўлиб, суткасига 1,5 миллион куб метр атрофида сув билан таъминлайди. Бундан ташқари, яна 6 та иншоот пойтахтга

ҳаракатимиз сув исроф бўлишининг олдини олишга қаратилган.

— Тошкентда оқова сув тармоғи муаммоси энг долзарб масалалардан. Шаҳар аҳолиси шу сабаб юзага келадиган ноқулайликлар, ёқимсиз ҳид, айниқса, ёмғир мавсумида кўчаларга сув тошиши борасида тез-тез эътироз билдириб туради. Ваҳоланки, бу экологик хавфсизлик жиҳатидан ҳам жиддий масала. Хўш, пойтахтда канализация тизимидagi ишлар қанчалик талабга жавоб беради?

— Ҳақиқатан, бу Тошкент шаҳридаги энг оғирли масалалардан бири. Нима учун? Чунки одамлар канализация тармоғини “чинкиди қутиси”га айлантириб олган. Аслида, у оқова сувни тазалашга мўлжалланган. Аммо охириги йилларда унга саноат чиқиндилари,

мо бор — манший ва саноат чиқиндиларини тазалаш.

Афсуски, кўпчилик дуч келган нарсани канализация тармоғига ташлашга одатланиб қолган. Айниқса, кўп қаватли уйларда санитария-гигиена воситалари, болалар тагликларини оқова сувга оқизиб юбориш ҳолатлари ниҳоятда кўп. Энг ёмони, бундай воситалар йўқ бўлиб кетмайди, аксинча, сувда шишиб, канализация тармоғида тикин ҳосил қилади. Натijaда хонадоннинг ўзида ёки кўчада сув тошиқини юзага келади. Ҳатто озиқ-овқат маҳсулотларини канализацияга ташлайдиганлар борлигини кўриб, ёқа ушлайсиз. Бу тўқдиққа шўхлик, қўполроқ қилиб айтганда, экологик маданият йўқлигидан далолат.

Саноат чиқиндилари ҳам худди шундай. Масалан, ишлаб чиқариш корхоналаридан

“ Сув тежамкорлигида ақлли қурилманинг аҳамияти катта. Масалан, хонадондаги қурувлар носозлиги сабаб доимий оқаётган сув ҳақида уй эгасига хабар юборилиб, огоҳлантирилади. Тизим ташкилотларининг ҳам электрон тизим орқали хабардорлиги ўз вақтида чора кўришга сабаб бўлади. Хизмат кўрсатиш сифати ошади.

йирик ҳажмдаги чиқиндилар муттасил ташланishi оқибатида бор тароққ “маҳсустрас” вазифасини бажаряпти.

Тошкент шаҳрида биринчи канализация тармоқлари 1938 йилда тортилган. Уша тармоқлар яқингача бор эди. Лекин кейинги йилларда тизимни янгилаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича ишлар жадал бажарилляпти. Айни пайтда шаҳарнинг кана-

чиқадиган ранг, кимёвий воситалар канализация тармоғига ташланади. Ақсига олиб, бизда уларни тазалаш имкони йўқ. Одатда, оқова сув биологик усулда тазаланади. Сувни тиндирилиб, зарарсизлантирилади. Қуйқаси ажратиб олиниб, кейин табиатга йўналтирилади. Ана шу оқова сув ичидаги биз ажратиб ололмаган ранг, кимёвий воситалар яна табиатга қайтиб чиқиб кетади. Истасак-истамасак,



лизация тармоқлари билан таъминланганлик даражаси 94 фоиз бўлиб, худудлар бўйича бу энг юқори кўрсаткич. Яқин йилларда уни 95-96 фоизга етказиш режалаштирилган. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрига қўшилган худудларини ҳам оқова сув тармоқлари билан таъминлаш ишлари фаол давом эттириляпти. Умуман, оқова сув хизматлари кўрсатишнинг техник ва технологик сифатини яхшилаш бўйича қатор лойиҳалар амалга ошириляпти. Аммо бизни энг кўп қийнаётган масалалардан бири — чиқинди маъносини Биргина мисол: Тошкент шаҳридан иншоотларимизга бир суткада 1,5 миллион кубдан ортиқроқ канализация суви чиқарилади. Шу билан бирга, канализация иншоотларининг ҳар биридан 2 тоннагача йирик чиқинди олиб чиқиб кетилади. Оқова сувни тазалаш иншоотларининг учаласида ҳам бир хил муам-

ўсимликлар, ҳайвонлар, умуман, экологияга салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирча оқова сувни замонавий усулда тазалаш технологияси қўлланилмагани боис, сув фақат қишлоқ хўжалигида ишлатишга яроқли ҳолга келтириб берилади. Аксарият давлатларда шу амалиёт қўлланади.

— Аҳоли орасида оқова сув тазаланиб, одамларга ичимлик сув сифатида қайта берилади деган гаплар ҳам юради. Бу қанчалик ўринли?

— Дунёда ичимлик сув муаммоси долзарб бўлиб бораётган шароитда бу савол одамларни кўпроқ қизиқтириши табиий. Аммо бундай эмас. Юртимизда оқова сув ичимлик сув сифатида қайта берилмайди. Тошкент шаҳрида аҳолига бир суткада 2 миллион куб метр атрофида сув берилса, шундан қарийб 80 фоизи канализация суви орқали қайта

олиб чиқиб кетилади. Сўнг канализация иншоотларида биологик усулда қайта ишланиб, табиатга йўналтирилади ва асосан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади.

Сиз айтган ҳолат бир нечта давлат тажрибасида борлиги рост. Яъни баъзи мамлакатларда оқова сув қайта ишланиб, аҳолига берилади. Аммо у ҳам техник сув бўлиб, истеъмол эмас, балки ҳожатхона ва бошқа эҳтиёжлар учун ишлатилади.

Бизда эса, биринчидан, канализация сувини қайта ишлаб, истеъмолга бериш учун зарурат йўқ. Иккинчидан, канализация суви қайта ишланиб, ичимлик сув сифатида берилса, нархи рамзий маънода тиллога тенг бўлади. Чунки яқинда Германияда бир тадиққотда канализация сувини ичимлик сув даражасигача олиб чиқиш учун 12 та тазалаш босқичи ўтказилди. Бунда сувнинг таннархи жуда ошиб кетади.

— Маълумотларга кўра, ўтган йил ўрталаридан бошлаб юртимизда сув ҳисобини юритиш бўйича хонадонларга ақлли ҳисоблагичлар ўрнатилиши керак эди. Аммо ишлар деярли бир йилга кечикди. Ҳозир жараён қайси босқичда?

— Ташкилий масалалар тўғрисида ишлар бир йилга чўзилди. Ниҳоят шу йил августидан ақлли ҳисоблагичларни ўрнатиш жараёни бошланди. Йил охиригача 50 мингта ақлли ҳисоблагич ўрнатилиши назарда тутилган. Яқин беш йилда мамлакатимиз аҳолиси тўлиқ ушбу қурилма билан таъминланади.

Ақлли ҳисоблагич қурилмаси ҳам, ўрнатиб бериш ҳам муқола бепул. Ундан фойдаланиш эса аҳоли ва таъминотчи корхона учун қатор афзалликлар беради. Янги ҳисоблагич ўрнатилади, истеъмолчиларнинг ҳар ойда биллинг тизимига ҳисоблагич кўрсаткичини бериши талаб этилмайди. Бу маълумотлар автоматик тарзда узатилади. Бундан ташқари, хонадонда сарфланаётган сув ҳажми билан боғлиқ носозликлар бўлса ҳам биллинг тизимига дарҳол хабар берилади.

Ақлли қурилма сув сарфи билан боғлиқ барча жараёни назорат қилади. Инсон омилисиз ишлаши шаффофлиқни таъминлаб, турли ноқонуний ҳаракатлар, катта қарздорликлар юзага келишининг олдини олади. Тўловлар борасидаги тушунмовчиликлар, норозиликлар бартараф этилади. Қолаверса, электрон тизим орқали маълумотлар базаси шакллантирилади, сув истеъмолчи билан боғлиқ жараён таҳлил қилиб борилади.

Сув тежамкорлигида ақлли қурилманинг аҳамияти катта. Масалан, хонадондаги қурувлар носозлиги сабаб доимий оқаётган сув ҳақида уй эгасига хабар юборилиб, огоҳлантирилади. Тизим ташкилотларининг ҳам электрон тизим орқали хабардорлиги ўз вақтида чора кўришга сабаб бўлади. Хизмат кўрсатиш сифати ошади.

Бугун пойтахтдан ташқари шаҳарга ёндош Тошкент вилояти ҳудудида бизнинг тармоқлардан тортилган сув қурувларига ҳам ақлли ҳисоблагичлар ўрнатиляпти. Улар сув мувозанатини тўғри шакллантириш, йўқотишларини олдини олишга хизмат қилади. Жараёндаги ишлар, барча ҳисоб-китобларни эса сув таъминоти корхонаси ҳам, аҳоли ҳам махсус платформалар орқали бевосита кузатиб бориши мумкин.

— Жорий йил июлда Ўзбекистон Республикаси Сув кодекси қабул қилинди. Бу ҳам аҳолининг истеъмолдаги жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган чорами? Унга биноан нималар ўзгаряпти?

— Шубҳасиз, Сув кодекси қабул қилингани ичимлик сув билан боғлиқ вазият жиддийлашмоқда деганидир. Яъни биз хўжасизларча фойдаланиб келаётган сувга неъмат захираси тугаб бораётганига энди юзаси қарай олмаслигимизни англайди. Вазият шу даражага етиб келди: соҳани слоҳ қилмасак, қатъий чоралар кўрмасак ёки меъёрни янада мустаҳкамламасак, бундан-да ваҳимали муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Сув кодекси қабул қилиниши мана шу масалаларни ечишга қаратилган. Унда қўлаб меъёрлар белгиланган бўлиб, сувни исроф қилмаслик ва бу борада чоралар кўриш кўзда тутилган.

Шу кунгача ҳам сувни асраб-авайлаш бўйича қатор меъёрлар бор эди. Аммо уларнинг кўпи бугунги талабларга тўғри келмайди. Қолаверса, сув тўлиб-тошиб турган вақтларда бу меъёрларга ҳеч ким амал қилмаган. Ҳозир эса ҳар томчи сувни қадрлашимиз керак. Бу олдимизга нормаларни ўзгартириш, янада қатъийлаштириш вазифасини қўйди.

Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ер ости суви қарийб 20 метрдан 30 метргача тушиб кетгани муаммонинг қанчалик чуқур илди отаётганидан дарак. Соҳага замонавий технологиялар кенг жорий этилаётгани боиси шунда. Қолаверса, ҳар биримиз кундалик сув сарфини минимал даражага туширишимиз зарур. Бу эҳтиёжни қондириш керак дегани эмас. Шунчаки эҳтиёжimizдан ортигини исроф қилмаслигимиз лозим. Масалан, 1 куб метр сув билан суғориладиган ерга тонналаб сув сарфланмаслиги оддий қондага айлиши даркор. Сув кодекси айни шу масала — сувнинг ҳар томчисини асраб-авайлашни назарда тутяди.

Кўпчилик тежамкорликка бепарқ қаради, оддий гапдек қабул қилади. Ваҳоланки, замонавий технологиялар ҳисобига тежамкорликни бир неча баробар ошириши мумкинлиги амалиётда ўз ибтиҳони топяпти. Масалан, бундан 4-5 йил олдин Тошкент шаҳри аҳолисига суткасига 2 миллион 400 куб метр атрофида сув берилган бўлса, бугун бу кўрсаткич 300 минг кубгача қамалган. Аҳоли сони эса ортыпти, саноат корхоналари ва ижтимоий соҳа объектлари қўлпайпти, лекин сув берилиши қамалиб борапти. Бу тежамкор технологияларни қўллаш натижаси.

Бугун сув муаммоларни бартараф аниқ экан, обихаёти муносабатимизни ҳам ўзгартиришимиз, экологик маданиятни оширишимиз керак. Кодекс қабул қилинди, лекин унга амал қилиш — асосий масала. Бу борада ҳар бир юрtdошимиз дахлдорлигини ҳис қилиши лозим.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.

“ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ”

КЕЛАЖАК КАСБЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИХА

Шу йил 15 май куни мактаб таълимида амалга оширилган ислохотлар ва келгусидаги асосий вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз ёшларни касб-хунарغا ўргатиш, тўғри тарбиялаш, зарарли таъсирлардан асраш ҳам долзарб масалалардан эканини таъкидлади. Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил қилиш масаласи кўриб, “Баркамол авлод” мактаблари, “Ёшлик” спорт жамияти ва Ўқувчи ёшлар маркази ягона тизимга бирлаштирилиши зарурлиги белгиланди. Энди бу марказлар тўлиқ таъмирланиб, замонавий, креатив йўналишлар асосида жиҳозланади. Хорижий тиллар, сунъий интеллект, дастурлаш ва анимация тўғрисидаги мазкур йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан ҳудудларда зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Жумладан, пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларида “Тошкент тажрибаси” йўлга қўйилди. Лойиҳада ҳудуддаги мактабларнинг ўқитиш сифатини ошириш, тизимда юқори натижаларга эришиш, таълимни янги босқичга кўтариш кўзда тутилган. Шунингдек, унинг доирасида муайян мактабларда касб олди синфлар ташкил этилиб, тиббиёт, АТ ва дастурлаш, муҳандислик технологияси, социология, хорижий тил ўргатиш йўналишлари бўйича ўқувчиларнинг касбий қизиқиши ва кўникмалари ривожлантирилади.

Мазкур йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан ҳудудларда зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Жумладан, пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларида “Тошкент тажрибаси” йўлга қўйилди. Лойиҳада ҳудуддаги мактабларнинг ўқитиш сифатини ошириш, тизимда юқори натижаларга эришиш, таълимни янги босқичга кўтариш кўзда тутилган. Шунингдек, унинг доирасида муайян мактабларда касб олди синфлар ташкил этилиб, тиббиёт, АТ ва дастурлаш, муҳандислик технологияси, социология, хорижий тил ўргатиш йўналишлари бўйича ўқувчиларнинг касбий қизиқиши ва кўникмалари ривожлантирилади.

Меҳнат бозоридан ортда қолмаслик керак

— “Тошкент тажрибаси” осонликча ишлаб чиқилгани йўқ. Бунинг учун энг ривожланган, таълим сифати юқори давлатларнинг ўқитиш тизими таҳлил қилинди. Мутахассисларимиз ўша мамлакатларга юборилди. Жумладан, АКШ, Хитой, Австрия, Финляндия, Россия таълимида кейинги 5-10 йилда меҳнат бозорига қандай касблар бўйича ўқувчилар тайёрланаётгани ўрганилди. Шунингдек, бунинг учун қайси фанларни чуқурлаштириб ўқитиш кераклиги ҳам таҳлил қилинди. Истанбулдаги инновацион муҳит, Санкт-Петербургдаги таълим моделини ўзлаштиришга ҳаракат қилдик. Умуман олганда, ривожланган давлатлар пойтахтларидаги мактаб таълими ва келажақ касблари марказлари фаолиятдан келиб чиқиб, хулосаларимизни умумлаштирдик. Шунда кейинги 10-20 йилликда энг устувор деб қаралаётган йўналиш муҳандислик технологиялари бўлди. Айтиш керакки, таълимнинг илдизи математика, физика фанларига бориб тақаллади. Шу маънода, ёшларга бу фанларни чуқур ўргатиш кераклиги аён бўлади, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосари Дурдона Раҳимова. — Таҳлилий маълумотлар хорижий тилни ўрганишга 30-40 фоиз устуворлик берилаётганини кўрсатди. Бунда асосий натижа ёшларнинг чет тилларни пухта ўзлаштириб, халқаро сертификатларни қўлга киритганида кўринади. Устувор йўналишлардан яна бири ахборот технологиялари ва дастурлашдир. Бугун сунъий интеллект ривожланиши тўғрисида кўп қисмда касблар долзарблигини йўқотаяпти. Шу маънода, сунъий интеллектдан-да салоҳиятли кадрлар тайёрлаш мақсади бунга 20-25 фоиз эҳтиёж

борлигини кўрсатаяпти. Ҳар қанча технология юксалиши бўлмасин, сунъий интеллект ривожланмасин, ўрганишлар кейинги 5-10 йилликда тиббиёт ходимлари энг талабга эришган касблар бўлиши мумкин. Тиббиёт йўналишидаги касб олди синфлари шундан келиб чиқиб ташкил этилди. Бугунги аксарият болалар қизиқайтган соҳа — тадбиркорлик. Бу табиий. Улар юртимизда бизнес муҳити ривожлангани сари кўз ўнгига катта бизнес эгалари қаҳрамонга айланаётганини кўриб, мен ҳам ишбилармон бўламан дегаяпти. Қолаверса, нафақат болаларда, ота-оналарда ҳам касб танлаш борасида янги қарашлар кузатиляпти. Мамлакатимизнинг кейинги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олсак, йилга икки баробар кўп тадбиркорлик субъектлари очилапти. Шунинг учун ҳам бизнесда, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида имкониятлар катта. Тўғри, янги тажриба доирасида ўқувчи мактабни битириши билан кредит берилиб ёки иш билан таъминлаб қўйилмайди. Уларни ҳаётга тайёрлик руҳида тарбиялаймиз, яъни аниқ йўлни мактабдан-ноқ кўра бўлишига эришмоқчимиз.

Биз юқорида айтган давлатларнинг барчасида бизнес ва менежмент дарслари йўлга қўйилган. Булар оддий дарслар эмас, бошқарувнинг ҳақиқий сир-асрори, самарадорлигини кўрсатадиган, иқтисодий, маркетинг, янги замонавий йўналишларни ўргатадиган машгулотлар. Шунинг учун бу билимларни ўргатишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Келажақдаги устувор фанлар сифатида гуманитар фанларга кейинги 5-10 йилликда 10 фоиз устуворлик бериляпти.

Юқорида айтганимдек, буларнинг барчасини чуқур таҳлил қилганимиздан сўнг “Тошкент тажрибаси”га киришдик. 7-11-синф ўқувчилари ва ота-оналари иштирокида сўровномалар ўтказиб, 12 та мактабнинг 60 та синфидан сараланган 1800 ўғил-қиз билан янги лойиҳани йўлга қўйдик. Касб олди синфлар умумқасбини ва умумтаълим йўналишларига таъкид этилди. Мана, тажрибанинг иккинчи ойна яқунланаяпти. Ўқувчилар тушунча давлат таълим стандарти бўйича, тушдан сўнг соат 17:00 гача “Тошкент тажрибаси” доирасида таълим оляпти. Интернет тизими бўлгани боис, улар маҳаллий бюджет ҳисобидан бепул тушлик билан таъминланаяпти.

Ўқувчилар ҳам ёзи таътилда ҳар томонлама ўрганилиб, саралаб олинди. 150 педагогга чуқурлаштириб ўтадиган машгулотлари учун КРП тизими асосида маош тўланади. Иш самарадорлиги дарс жараёнида ўқувчиларнинг қизиқтира олиш даражаси ва болаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи асосида баҳоланади.

Ҳокимлик вакилининг айтишича, бу тажрибага жалб қилинган синфлар алақадон олий таълим муассасалари ва корхоналарга интеграция қилинган. Илмий-методик базани мустақамлашда таълим даргоҳлари, амалий машгулотларни ташкил қилиш борасида эса йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар масъулияти зиммасига олган. Тиббиёт синфларининг асосий илмий-методик базаси таъминотчиси Тошкент давлат тиббиёт университети. Ўқувчилар олийоҳ лабораторияларидан фойдаланади, профессор-ўқитувчиларнинг маҳорат дарсларида қатнашади, тиббиёт клиникаларидаги амалий жараёнларга гувоҳ бўлади.

Муҳандислик технологиялари синфлари Турин политехника университетига бириктирилган. Уларнинг асосий иш берувчиси Яшнободдаги технопарк ва Янгиҳаёт туманидаги “Янги авлод” махсус саноат зонаси бўлиши режа қилинган. Хуллас, ўқувчилар-

қолди. Замонавий касблар эса тармоқларга, соҳаларга кадрлар етказиб беришни назарда тутаяди. Бу умуман бошқа тизим. Айтиш керакки, Яшнободдаги технопарк ва Янгиҳаёт туманидаги “Янги авлод” махсус саноат зонаси бўлиши режа қилинган. Хуллас, ўқувчилар-

бўлган. Бу нимадан келиб чиқаяпти? Таълимни меҳнат бозорига мослаштира олмаганимиздан, келажақ касбларини олдиндан кўра билмаганимиздан. Нима учун энг ривожланган давлатларда болалар дрон ясаётти? Чунки улар 5-10 йилдан кейин барча соҳалар



Таълим одимлари

нинг амалий саъй-ҳаракатлари ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги керак. Ахборот технологиялари ва дастурлаш синфлари Тошкент ахборот технологиялари университетига бириктирилган. Шунингдек, бўлажақ дастурчилар шанба кунлари АТ паркига боради. 400 га яқин ўқувчи код териш, дастур яратиш каби ишлар билан банд бўляпти.

— Олдимизда тажриба синфларини кузатиш, синов самарадорлиги ва ижтимоий аҳамиятини таҳлил қилиш вазифаси турибди, — дейди Дурдона Раҳимова. — Натижалар кутганимиздек чиқса, касб олди синфлар кўпайтирилади. Зеро, мамлакатимизга имкон қадар катта ҳажмда келажақ касбларини олиб киришимиз керак. Шу пайтгача мактабда касб ўргатиш деганда тиквучилик, ошпазликни тушуниб келдик. Бугун электр симини улаш, лампочка ўрнатиш каби майда юмушлар шундоқ ҳам ҳаётини кўникма, меҳнат тарбияси махсули экани кундек равшан бўлиб

Чунки юқорида айтилганидек, тиквучи ва ошпаз, нари борса, сантехникларни тайёрлаб келдик. Супермаркетларга қадоқловчи, кассир тайёрламадик. Бунинг учун 3-4 йиллар ўқиш ҳам шарт эмас, 3-6 ойлик курслар киёфия. Шунинг учун ҳам корхоналар ўзига ўқув маркази ташкил қилляпти. Оддий мисол, “Корзинка” савдо дўконлари термоми яқинда Чилонзор туманида кадрлар тайёрлаш учун савдо академиясини очди. Чунки мижозлар билан ишлаш кўникмаси етишмаслигидан кадрлар кўникмасини кўпайтириш натижасида бугунга келиб, кўплаб иш ўринлари пайдо

автоматлашиб, дронлашиб кетишини билди. Шундай экан, биз ҳамон аънанавий касбларимизни ўқитишда давом этсак, таълим меҳнат бозоридан ортда қолавереди. Болаларимизни мактаб давридан муайян касбини танлашда қатъий бўлишга ўргатиш, бунинг учун шу касбга меҳрини оширишимиз керак.

Касб олди синфларини ташкил этишда ўқувчиларни саралаб олиш жуда қийин кечди. Уларнинг аксарияти қайси касб эгаси бўлиши ҳақида ҳали ўйламаган, келажақда ўзини ҳеч қайси соҳада кўра олмайдди. Тўғри, бунда асосан ота-оналарнинг фикри ҳам бирламчи бўлиб келган. Ота касбининг давом этириши, улар айтган йўналишни танлаш керак деган тушунчалар бизни меҳнат бозоридан ортда қолдирди. Бироқ энди ҳаммасини тўғри тушуниб етсак, ҳаракат қилсак, келажақ касбларини ҳам фол бўлиш, таълим тизимини соҳаларга, тармоқларга тўғри интеграция қилишга эришимиз мумкин.

Кўшимча даромад ҳаммага ёқади

— Аввало, бу тажриба учун мактабимиз танлаб олинган муваффақиятимиз эканини айтмоқчиман, — дея бизни илик қарашлаган Миробод туманидаги 154-мактаб директори Насиба Мирсоатова. — Ўқитувчиларимиз ҳам илмий, ҳам психологик жиҳатдан синовдан ўтди. Бу, албатта, тўғри. Чунки саралаб олинган ўқувчилар билан ишлаш қобилияти ва маҳорати етарлими деган нуқтани назардан педагогларни ҳам саралаш зарур.

Еш бўлса-да, ўзига катта ишонч билдирилгани ва янги тажрибага жалб этилганидан хурсанд бўлган мактаб ўқитувчиси Моҳида Шодифорова ҳам лойиҳа хусусида илик фикр билдирди.

— Танланган синфларга дарс беришнинг ўзини яраша масъулияти бор. Фақат ва фақат натижа учун ишлаш керак. Барча тажриба синфларида она тили чуқурлаштириб ўтилади. Зеро, ўқувчи қайси олий таълим даргоҳига имтиҳон топширмасин, она тилидан тест топшириқларини ечади. Тўғри, аввалгина кун давомидида дарс биологик жиҳатдан ўқувчиларимизни бироз толиқтирди. Лекин ҳозир ҳаммаси мослашиб, кўпроқ ўқиб ва ўрганишга кўникиб кетган. Болаларнинг ўзини ишончи ортиб борапти. Мана шундай билимга ташна, фол ўқувчилар билан ишлаш ўқитувчига жуда маъқул. Шу пайтгача миллий сертификатим борлиги учун 50 фоизлик устама олиб келаётганим. Энди тушдан кейин ўтаётган дарсларим ҳисобига минг доллардан зиёд маош оладиган педагоглар сарафидан.

Янгиҳаёт туманидаги 332-мактабда бизнес ва менежмент йўналиши бўйича дарс бераётган Нилуфар Йўлдошева ҳам ёш ўқитувчилардан. У шу йил иқтисодий йўналишини тамомлаган бўлса-да, менежер, ёрдამчи ҳисобчи сифатида анчадан буён ишлаб келаётгани боис, етарли тажрибага эга. Нилуфар ўзи дарс бераётган ўқувчилар, айниқса, ўғил болаларнинг бизнесга катта қизиқиш билдираётгани, ҳозирдан кичик-кичик бизнес гоилар туза олаётгани, бу эса уни ўз устиди янада кўп ишлашга ундаётгани ҳақида гапирди.

— Бундай дарс умумтаълим мактабларида аввал бўлмаган. Тўғри, иқтисод фанига ўхшаб кетадиган жиҳатлари бор. Лекин бизнес гоилар, маркетинг, бизнес гоилар учун стратегиялар, стартаплар ҳақида ўқитилмаган. Хали иш режаси бўлмаган пайтда ҳам бизнес нимадир, бизнес режа тузиш, маркетинг, менежментдан илик тушунчаларни бериб бордим. Бир ҳафтадан 8 соат дарс ўтаган. Мактаб ўғил-қизларнинг ёнгинасида, ортиқча овора бўлмайман. Кўшимча даромад тўғрисида оиламиз бюджетига қоляпти, — дейди у.

“Болаларимиз беҳуда юрмаяпти”

— Турмуш ўртоғим ҳам, мен ҳам савдо соҳасида ишлаймиз. Кежа ўғлимиз Яшнобод туманидаги 154-мактабнинг 8-синфида ўқийди. Янги тажриба йўлга қўйилгани, аввало, болаларнинг ўзи учун, қолаверса, биз каби кун бўйи ишда юрадиган ота-оналар учун аниқ муудо бўлди. Чунки энди “фарзандим мактабдан тўғри ўйга келдим, тушлик қилдим, ундан сўнг нима билан машғул бўляпти?” деган ўй бизни хаётга солмапти. Акс ҳолда, балоғатга етган фарзанднинг нималар билан бандлигини назорат қилиб турмасангиз бўлмайди. Кун бўйи ўқиган ўғил-қиз кечки пайт чарчаб келади. Уй вазифаларини қилади-ю, барвақт ётиб ухлайди. Шунинг учун ҳам фарзандимиз АТ ва дастурлаш синфига танлаб олингандан хурсандимиз. Ҳар шанба кунни АТ паркига бораётгани, ўзи қизиққан кўп кўникмаларни ўзлаштириб олаётгани учун ҳам кундан кунга “Тошкент тажрибаси”га боғлиқ бўляпти, — дейди милобиди Фарида Абдувалиева.

Яшнобод туманидаги 339-мактаб ўқувчиси Моҳинур Саидхонмуродовнинг онаси Зулайхо Раҳмонова эса қизининг тиббиёт университетига грант асосида ўқишга киришига умид боғлаб турибди.

— Қиз боланинг оилада, жамиятда ўз ўрнини топиши ота-онасининг фарзанди таълимга эътиборига боғлиқ. Қизларни ўқитишдан фойда йўқ деганлар хато қилади. Ҳеч қаерда ишламас ҳам фарзанди тарбиясида оналарнинг маълумоти катта ўрин тутаяди, — дейди Зулайхо опа. — Энг муҳими, бу лойиҳада фарзандларимиз 5 та фан бўйича сертификат олиши мумкин. Чунки улар беҳуда юрмапти, кечгача мактабда машгулотлар билан банд. Ҳар кун таассуротлари ҳақида тўқилганилиб гапириб беради. Айниқса, энди тиббиёт университетида бориб, лабораторияларда амалий жараёнларни кўриши мумкинлигидан севиноб юрибди.

— “Тошкент тажрибаси”га қамраб олинган ўқувчиларнинг ота-онаси ушбу эзгу лойиҳа давоми бўлиши, мамлакатимиз бўйлаб кенг ёйилиши тарафдори. Албатта, бу — илк қадам. Янги Ўзбекистон таълим тизимини янги йўлга қўйиш, янги авлоднинг нури эртаси, юрт фаровонлиги, тўқинлиқни мақсад қилган эзгу одим.

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ ЕЧИМИ

Нуқтаи назар



Асрор НОРОВ,
Инновацион ривожланиш агентлиги директори вазифасини вақтинча бажарувчи

Коррупция тараққиётни сусайтирувчи, иқтисодийга, одамларнинг ҳаёт сифатига тўғридан тўғри салбий таъсир этувчи омил сифатида замонавий жамиятнинг оғриқли нуқтаси ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси таъкидлайдик, илм-фан ва инновацион фаолият жадвал ривожланаётган шароитда рақамлаштириш коррупцияга қарши курашишнинг энг ишончли ва барқарор механизмидир. Бундан қарийб 8-9 йил аввал илмий тадқиқот ва инновацион фаолият билан шуғулланиш ҳар бир ҳужжатнинг “кетидан шахсан югуриш” дегани эди. Илмий тадқиқот билан боғлиқ жараёнларда у ёки бу аризон тўқидириш, имзолатиш, сўнгги нуқтага топширишга ортиқча вақт ва ресурс сарфлангани рост. Уша вақтларда буни бошидан ўтказган илмуваллар орасида шу каби бюрократиядан зада бўлганлар ҳам талайгина.


Бугун эса вазият тубдан ўзгарди. Мамлакатда коррупцияга чек қўйиш, унга нисбатан муросас эҳтисотчи шакллари борасида қорон қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Давлат хизматларини рақамлаштириш, ишни очиқ, ошқора ва шаффофик принциплари асосида

ташкил этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ислохотларга мутаносиб тарзда Инновацион ривожланиш агентлиги коррупцияга қарши курашишда рақамлаштириш йўлидан боришни танлади. Бугун фаолиятнинг очиқ ва ошқоралигини таъминлаш, масъулиятни ошириш, бюрократияни камайтириш ва давлат хизматларини соддалаштириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилди.

Охириги беш йил давомида илмий ва инновацион фаолиятни рақамлаштириш мақсадида 11 та ахборот тизими ишлаб чиқилди. Иш юритишга оид 11 турдаги ички ҳужжатлар айланмаси тўлиқ рақамлаштирилди. Кўрсатилган рақамли хизматлар сони 8 тани ташкил этиб, шундан 3 та электрон хизмат ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда 5 та хизмат агентлигининг тегишли ахборот тизимлари орқали тақдим этиб келинмоқда. 39 турдаги маълумотларни “Рақамли ҳукумат” тизимига узатиш йўлга қўйилди.

Ҳозирга қадар рақамлаштирилиши талаб этиладиган жами 546 та илмий ва инновацион фаолиятнинг 256 таси бўйича мақсадга эришилди. Шундан 33 таси автоматлаштирилди. Ахборот тизимлари орқали генерация қилинадиган ҳужжатлар сони 11 тага етказилди.

Соҳадаги бу каби ислохотлар ортиқча вақт ва ресурслар сарфини қисқартирши рақамли илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланувчиларга қатор қўлайликлар яратмоқда. Биргина давлат илмий дастурларининг ягона электрон платформаси — “loyiha.ilmiy.uz” ишга туширилиши натижасида лойиҳа мавзулари шаклланишидан то якуни бўйича мониторингга қўйилган барча жараёнлар тўлиқ рақамлаштирилишига эришилди. Шу тариқа техник экспертиза ва олийлик экспертиза жараёнлари инсон омилсиз амалга ошириляпти. Мазкур тизим ишга тушмасидан аввал, яъни 2023 йилгача аризаларни кўриб чиқиш мuddати аризалар келиб тушишидан бошлаб лойиҳалар молиялаштирилгунча қадар ўртача 8 ойдан 14 ойгача давом этган бўлса, 2025 йилдан ушбу мuddат 5 ойдан 9 ойгача қисқарди.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

Олий таълимдан кейинги таълим тизимини мувофиқлаштириш, таълим жараёнлари шаффофлигини таъминлаш, ортиқча қоғоз-бозиликнинг олдини олиш мақсадида ягона электрон тизим — “daraja.ilmiy.uz” ишга туширилди. 2025 йилда илмуваллар фаолиятини самарадорлиги мониторинги жараёни ҳам рақамлаштирилиб, “daraja.ilmiy.uz” электрон тизими Олий аттестация комиссиясининг илмий даражалар комплекс-таҳлилий ахборот тизими билан интеграция қилинди. Натижада илмий даражага талабдорлар аттестациясини реал вақт режимида кузатиб боришига имконият яратилди.

Жорий йилда илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўлаб-қувватлаш мақсадида

“Академик ҳаракатчанлик” дастурини мувофиқлаштирувчи “akadem.ilmiy.uz” электрон тизими ҳам ишга туширилди. Бу орқали талабдорларга мазкур дастур учун ариза топшириш ва ариза ҳолатини онлайн кузатиб бориш имконияти яратилди. Келиб тушган лойиҳаларни баҳолаш ва фойли лойиҳалар мониторинги жараёни тўлиқ электронлаштирилди.

Еш олимларнинг хорижий илмий стажировкаларини ташкил этишда “internship.ilmiy.uz” ягона электрон тизими фаолиятини йўлга қўйилган бўлиб, танловларни эълон қилиш, тақлифларни қабул қилиш, иштирокчиларни саралаш босқичлари шаффофлиги оширилди. Фойлиларни хорижий илмий стажировкаларга юборишни расмийлаштириш, хорижий илмий стажировка якуни бўйича ҳисоботларни қабул қилиш каби жараёнлар ҳам тўлиқ рақамлаштирилди.

2027 йилга қадар 290 та жараёни тўлиқ рақамлаштириш белгиланган. Шу мақсадда илмий ва инновацион фаолиятни рақамлаштириш ҳамда жараёнларни оптималлаштиришга қаратилган янги 18 та ахборот тизими ишлаб чиқарилади, 3 та ахборот тизими такомиллаштирилади. Илм-фан соҳасида рақамли технологияларни жорий этишга фақат идора фаолиятини енгиллаштириш сифатида қарамаслик керак, балки у мамлакатимизнинг инновацион тараққиёти, интеллектуал салоҳияти ва глобал рақобатбардорлигини таъминлайдиган стратегик омил эканини ёдда тутишимиз шарт. Шу маънода рақамлаштириш ишлари илмий экотизимни тубдан янгилайди, илмуваллар учун янада кенг имконият беради. Энг муҳими, коррупцияга йўл қўймайдиган, шаффоф ва замонавий илмий муҳит шаклланади.



Кўнгиллилик ҳаракати

Бизга бегона эмас



раҳбари Ширин Обидова. — Айрим ҳолларда давлат индвидуал ёндаша олмаслиги мумкин. Шундай пайтларда волонтерлар, яъни ташаббускор халқ вакиллари давлат учун яқин кўмакчига айлана олади. Бунга яққол мисол қилиб бутун дунёни қамраб олган пандемия даврини эслаш кифоя. Кўнгиллилик халқимизга синовли давлардан ўтиб олишга ёрдам берди. Волонтерлик давлат, бизнес ҳамда жамоатчилик секторини эзгулик йўлида бирлаштирувчи ижтимоий шерикчиликнинг кўприги сифатида ўзини кўрсатди.



Айни пайтда юртимизда 160 дан ортиқ волонтерлик гуруҳи 26 та йўналишда фаолият юритади. Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя, маданият, спорт, экология, соғлиқни

сақлаш каби кўплаб соҳаларда бугун кўнгиллилик фаолиятини кузатиш мумкин. Тизимнинг бир бўлаги сифатида ишлаётган волонтерлар мактаби барча ҳудудларда

кўнгиллилик истагидаги инсонларга ушбу тизимнинг қонун-қоидаларини ўргатади. Волонтерлар мактабида ўқитилган юздан ортиқ ментор ўз ихтиёри билан минглаб инсонларга кўнгиллилик ҳаракати ҳақида маълумот берапти.

Яхшиликка йўғирилган қадрият

Ўзбек халқи эътиборга, ёрдамга муҳтож инсонларга бефарқ қарай олмайди. Алоҳида эътибор талаб этиладиган юртдошларимизга беминнат ёрдам қўлини узатиш, яхшилик илмини, буни холис бажариш истагидаги инсонлар кўплиги қувонarli. Бугун ана шу хайрли мақсадга отланган, ижтимоий лойиҳаларда фаол иштирок этаётган кўнгиллилик сони 11 миңдан ортибди. Ҳозиргача улар кам таъминланган, бошпанасиз, бемор, ногиронлиги бўлган 50 миңдан ортиқ шахс, ёши катта отахон-онахонларга кўмак кўрсатди.

Бу ҳаракат тинчлик ва эзгулик йўлида барчани бириктиради, одамлар ўртасида меҳр ва ишонч кўприги барпо этилади. Ҳаракат билан ҳар бир ҳонадон, маҳаллада яхшиликка йўғирилган қадриятлар янада буй кўрсатади. Инсонни ўз уйи, маҳалласи, қолаверса, дунё микросида эзгу ишларга ундайди. Кўнгиллиликнинг бир-бирига меҳри ошадди, дўстлик ривожланиш мустақамланади. Волонтерликда ёшнинг аҳамияти йўқ, эзгу майдонда барчанинг расман бириктирилиши жамиятда ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурматни мустақамлайди.

“Биз биргамиз!”

Бутун дунёда кўнгиллиликка эҳтиёж кундан кунга ортиб бормоқда. Ҳар бир жабаҳда, ҳар бир йўналишда волонтерларнинг беминнат хизмати талаб сезилмапти. Соҳа ривожланишга, бу эса, ўз навбатида, халқро тажрибани ўрганиш, энг илғор усуллари татбиқ этиш, биргаликда ривожланиш заруратини юзага келтиради.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган “Биз биргамиз!” халқро кўнгиллилик фестивали ана шу хайрли мақсадни ўзда мужассам этди. Фестиваль Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги кўмагида, Ўзбекистон волонтерлар ассоциацияси ҳамда МДҲга аъзо давлатларнинг гуманитар ҳамкорлик бўйича давлатларaro жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилди.

Бир-бирига ёрдам бериш маданияти одамларда меҳр-шафқат, масъулият, ҳамжиҳатлик каби инсоний фазилатларни камол топтиради. Кўнгиллилик одамларни бириктиради, бу фуқаролик жамияти ривожига туртки беради. Ҳаракат давлат ва маҳаллий ҳокимият билан биргаликда кўп ишларни ўзгаришлар қилиши мумкин. Янгиланишлардан одамларнинг руҳи кўтарилади, бир-бирига ишонч ортади, мушкул арияди. Ушбу ҳудудда тинчлик, барқарорлик мустақамланади.

Волонтерлар бажарган хизматлар жамият учун катта маблағни тежайди. Давлатга тушадиган иқтисодий юкни енгилаштирилади. Ёшларда ижтимоий вазифаларни ҳал этишда жамиятга кўмаклашиш, ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда кўнгиллилик ҳаракатининг ўрни бекиёс.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Халқимизда кўнгиллилик (волонтерлик) маданияти азал-азалдан ривожланган. Уй қуриш, ариқ қазиш, йўл ёки боғ-роғларни тозалаш, дарахт экишда бир тану бир жон бўлиб хизмат қилиш, хашарда елка тутиб маҳалладошларига кўмак бериш гўзал қадриятлардан саналади. Бу эзгу амал янгича шакл ва мазмун касб этиб, бугунги кунда волонтерлар ҳаракати билан уйғун бўлиб бормоқда.

Ташаббускор халқ вакиллари

“Волонтер” французча “volontaire” сўздан олинган бўлиб, “ихтиёрий”, “ўз хоҳишига кўра иш қилувчи” маъноларини англатади. Бугунги кунда кўнгиллилик ҳаракати бутун дунёда хайрли мақсадларни амалга оширувчи тузилма сифатида шаклланган ва ривожланиб келмоқда. Ҳозир дунё бўйича

волонтерлар сони 1 миллиарддан ортиқ. Уларнинг тахминан 70 фоизи норасмий равишда кўнгилли бўлиб одамларга бевосита ёрдам беради, 30 фоизи эса расмий ташкилотлар орқали турли тадбирларда иштирок этади. Ўзбекистонда 100 миңдан ортиқ кўнгилли ўз хоҳиши билан хайрли ишларга бош қўшапти. 2030 йилга қадар уларнинг сонини 2 миллионга етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, ижтимоий, таълим ва ривожланиш, инклюзив, атроф-муҳит ва экологик лойиҳалар, рақамли ва медиа, онлайн волонтерлик кўлами кенгайиб боради. Ҳаракатнинг асосий миссияси жамиятдаги ижтимоий кескинлашни камайтириш, инсонлар ҳаётини яхшилаш ва энг муҳим муаммоларга ечим топилишига кўмаклашишдир.

2019 йил 2 декабрдаги “Волонтерлик фаолияти тўғрисида” ги қонун бу борадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзгалар тақдирига бефарқ бўлмаган, ҳар қандай ҳолда ҳам ёрдамга шай инсонларни бириктириш, уларни яхшиликка йўналтириш жамиятда меҳр-оқибат муҳитини яратди, маънавий қийматларга асосланган муносабатларни кучайтиради. Ўзбекистон волонтерлар ассоциацияси фаолияти ана шу эзгу амални ўзда ифода этмоқда.

— Ҳеч қайси жамият қутулмаган вазиятлардан ҳимояланмаган, — дейди ассоциация

“Бир-бирига ёрдам бериш маданияти одамларда меҳр-шафқат, масъулият, ҳамжиҳатлик каби инсоний фазилатларни камол топтиради.”



O'ZBEKISTON VOLONTYORLARI ASSOTSIATSIYASI



Биз бахтли замонда яшаётган, ўзини энг омадли ҳис қиладиган инсонларданмиз. Кўз тегмасин, юртимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонлик ҳукмрон. Мамлакатимизнинг жадал ривожланаётган давлатлар сафидан ўрин олаётгани, номи бутун жаҳонда улуғланаётгани қалбимизда бекиёс гурур туйғусини уйғотади.

Аслида, юртимизда одилона қонунлар қабул қилинаётгани, халқчил Конституцияга эгаллигимиз ҳамда унинг замонамиздаги энг мукамал конституциялар қаторида элитирф этилишининг ўзи ҳам бунга ёрқин далилдир. Шу боис, юртимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва одиллик тамойиллари қарор топиб, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати барчамизга ҳамроҳ бўлаётир.

Бугуннинг гапи

БОШ ҚОМУСИМИЗ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИМИЗ АСОСИДИР



Конституциямизнинг ҳар бир моддаси ҳаётимизда нечоғли муҳим ўрин тутаятганини тушуниш учун олиё маълумотли ёки ўқимишли бўлиш шарт эмас. Оддий

одамлар ҳам ўз ҳаётда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва янгиланишлар мисолида ушбу халқчил, ҳаётбахш ҳужжатнинг моҳиятини биздан-да яхшироқ англамоқда.

Ҳозир 67 ёшдан. Тасвирий санъатнинг рангасвир ва графика йўналишларида 52 йилдан буён фаолият юритади, ёшларга амалий ва назарий билим бериб келяпман. Мен каби ёши улуг ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳнатимизнинг қадрланиши, қонуний манфаатларимизнинг ҳимоя қилиниши, қолаверса, фаолиятимиз ва ижодимизга қаратилаётган юксак эътибор ҳамда эътироф — буларнинг барчаси Конституциямизда назарда тутилган муҳим мезонлардан биридир.

Мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми” фахрий унвони билан тақдирланганимни катта мамуният ила тилга олам. Бундан аввал ҳам қамгарона хизматларим давлатимиз томонидан муносиб баҳолаб, “Шухрат” медали, Ўзбекистон Бадий академиясининг олтин ва кумуш медаллари билан муқофотланган эдим. 2016 йилда эса “Қорақалпоқ халқ рассоми” фахрий унвонини олишга муяссар бўлдим. 2018 йилда Ўзбекистон

“Ҳаётини тасвирий санъатга бағишлаган ижодкор сифатида ишонч билан айта оламанки, Бош қонунимизда белгиланган тамойиллар ҳар бир соҳа вакилининг ҳуқуқлари таъминланиши, шахсий юксалиши, ҳаётда муносиб ўрнини топиши ва эртанги кунга ишонч билан яшаш учун мустақам замин яратади.”

Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси — академик этиб сайландим.

Ҳаётини тасвирий санъатга бағишлаган ижодкор сифатида ишонч билан айта оламанки, Бош қонунимизда белгиланган тамойиллар ҳар бир соҳа вакилининг ҳуқуқлари таъминланиши, шахсий юксалиши, ҳаётда муносиб ўрнини топиши ва эртанги кунга ишонч билан яшаш учун мустақам замин яратади.

Жорий йил 1 июлда Президентимиз томонидан имзоланган “Тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантиришга

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”- ги қарор эса соҳани фақат моддий қўллаб-қувватлаш билан чеклиб қолмай, уни таълим, инфратузилма, маркетинг, тадқиқот ва экспорт каби йўналишлар билан уйғунлаштирган ҳолда комплекс ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қарор билан ижодий таълим муассасаларига эътиборнинг кучайтирилиши келажакда етишиб чиқадиغان миллий рассомлар, дизайнерлар ва санъат арбоблари учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Сарсенбой БАЙБОСИНОВ, Ж. Изентаев номидаги Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ рассоми



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЕЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бюропта Г-1246.
34655 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Аслиддин Абдуразоқов
Мусахҳиш: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй